XALQ DEPUTATLARI YABGIBOZOR TUMAN KENGASHINING QARORI

45-206 -son "31" 03 2021-yil

Янгибозор туманидаги янгидан ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда "География объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган "Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегераларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 16-бандига асосан, Янгибозор туман ҳокимининг "Қоратепа" ва "Манғитлар" маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш, янги ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисидаги таклифи ҳамда илова ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Янгибозор тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Янгибозор туман ҳокимининг "Қоратепа" ва "Манғитлар" маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш, янги ташкил қилинган маҳаллага ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Янгибозор туманидаги "Қоратепа" маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш натижасида янгидан ташкил қилинган маҳалла фуқаролар йиғинига **"Янгиобод" номи** берилсин;

- Янгибозор туманидаги "Манғитлар" маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш натижасида янгидан ташкил қилинган маҳалла фуқаролар йиғинига **"Ҳамдўстлик" номи** берилсин.

Scanned with CamScanner

3. Янгидан ташкил қилинган маҳаллаларнинг чегара чизмалари харитаси 1-иловага мувофиқ, маҳаллалар чегара чизмалари тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Янгибозор туман қурилиш бўлими (О.Давлетов), маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда, туманда “Янгиобод” ва “Ҳамдўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари янгидан ташкил қилиниши муносабати билан тасдиқланган ягона замонавий миллий дизайн асосида бир ой муддатда географик объект номи қайд қилинган пешлавҳа ўрнатсин.

5. Янгибозор тумани Молия бўлими бошлиғи (Ғ.Рўзметов) географик объект номи қайд қилинган пешлавҳа ўрнатиш, маҳаллалар чегараларини белгилаш ишлари ва ташкилий ишларининг молиялаштирилиши маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бажарилишини таъминлансин.

6. Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Янгибозор тумани бўлими (Р.Рахимов) туманда “Янгиобод” ва “Ҳамдўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари янгидан ташкил қилиниши ва маҳалла фуқаролар йиғинларини маъмурий-ҳудудий чегараси ўзгарганлиги муносабати билан ер ҳисоботларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Янгибозор кўзгуси” газетаси (Ў.Яхшимуратов) ҳамда Янгибозор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти (У.Нурметова)да эълон қилинсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарор қабул қилиниши билан халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2019 йил 28 январдаги “Янгибозор туманидаги маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш тўғрисида”ги 49-2-сонли Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси ва Янгибозор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши раиси **Ў.Курбанов**

Scanned with CamScanner

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
XORAZM VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
YANGIBOZOR TUMAN ADLIYA BO'LIMI
221200 Yangibozor tumani, J.Manguberdi ko` chasi, 13-uy
Tel.: (998 62) 41-94-125, el. pochta: yangibozor-t@adliya.uz

2021 йил 30 март 22-5/92-сон

Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгаши раиси Ў.Қурбановга

Сизнинг 2021 йил 27 мартдаги 33-сонли хатингиз юзасидан

Янгибозор туман адлия бўлими Сизга, халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг “Янгибозор туманидаги янгидан ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг расмий нашрда эълон қилиниши, шунингдек “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, расмий веб-сайтда жойлаштирилиши (*расман эълон қилингандан кейин бир кун ичида*), Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга (*рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь*) мувофиқ **уч кун ичида** давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда Хоразм вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозим.

Илова: хулоса 2 варақда

Бўлим бошлиғи,
1-даражали юрист **С.Явкачев**

Баж: Д.Бекчанов
62-41-94-125

Scanned with CamScanner

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Янгибозор туман адлия бўлими бошлиғи,
1-даражали юрист
С.Явкачев
“30” март 2021 йил

Янгибозор туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

ХУЛОСА

2021 йил 30 март Янгибозор тумани

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 21, 22-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низомга асосан, халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг “Янгибозор туманидаги янгидан ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар,

А Н И Қ Л А Н Д И:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсади:

Лойиҳа, Янгибозор туман ҳокимининг “Қоратепа” ва “Манғитлар” маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш, янги ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисидаги таклифига асосан ишлаб чиқилган.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишга ваколатлилиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 16-бандига асосан, туман, шаҳар ҳокими маҳалланинг номи келишилгандан ҳамда унинг чегаралари режаси ва тавсифи тайёрлангандан кейин ўн кун муддатда, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш бўйича таклифларни, уларга зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгашига киритиши, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши навбатдаги сессияда туман, шаҳарлар ҳокимининг

Scanned with CamScanner

таклифини кўриб чиқади ва маҳаллани тузиш, маҳаллаларни бирлаштириш, маҳаллани бўлиш (уларнинг чегараларини белгилаган ва уларга ном берган ёки уларнинг номини ўзгартирган ҳолда) тўғрисида ёхуд ушбу таклифни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати белгиланган.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш предмети:

Лойиҳа, тумандаги “Қоратепа” ва “Манғитлар” маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш, янги ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш мақсадида тайёрланган.

IV. Лойиҳанинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги:

Халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашининг “Янгибозор туманидаги янгидан ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас. Ушбу қарор лойиҳаси қонунчилик техникаси талабларига жавоб беради.

Шунингдек, мазкур қарор лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида (regulation.gov.uz) ID30503-сонли рақам остида жойлаштирилган бўлиб, мазкур қарор лойиҳа юзасидан ушбу хулоса тузилгунга қадар муносабат билдирилмаган.

Юқоридагиларга биноан, туман ҳокимининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Халқ депутатлари Янгибозор тумани кенгашининг “Янгибозор туманидаги янгидан ташкил қилинган маҳаллаларга ном бериш ва чегараларини белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат халқ депутатлари Янгибозор туман кенгашига юборилсин.

Туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси **Д.Бекчанов**

Scanned with CamScanner